

Ақийда дарслари (156-дарс). Ўзингизга дуони лозим тутинг!



20:00 / 01.11.2021 7424

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан сўрамаса, У Зот ундан ғазабланади», дедилар».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимни Аллоҳ унга шиддатлар пайтида истижобат қилиши масрур қилса, оройиш пайтида дуони кўпайтирсин», дедилар».

Бу ҳақда имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи «Оройиш пайтида Аллоҳни танисанг, шиддат пайтида Аллоҳ сени танийди», деганлар.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ер юзида қайси бир мусулмон гуноҳ аралаштирмасдан, қариндошлик алоқасини узмасдан туриб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга ё сўраганини тезда беради, ёки ўшанинг мислича ёмонликни ундан буриб қўяди», дедилар. Шунда одамлардан бири:

«Ундай бўлса (дуони) кўпайтирамиз», деди.

«Аллоҳ кўпайтирувчи роқдир», дедилар».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга дуо эшиги очилса, унга раҳмат эшиклари очилган бўлади. Аллоҳдан бериладиган нарсалар ичида энг маҳбуб бўлгани офиятни сўрашдир», дедилар».

Шунинг учун Аллоҳ таолодан офиятни – соғлик ва тинчликни кўпроқ сўраш керак бўлади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, дуо нозил бўлган ва нозил бўлмаган нарсадан сақлайди. Эй Аллоҳнинг бандалари! Ўзингизга дуони лозим тутинг!» дедилар».

Демак, ким нозил бўлган балолардан сақланай деса, кўпроқ дуо қилсин. Ким нозил бўлмаган балолардан сақланай деса ҳам, кўпроқ дуо қилсин.

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қазони фақатгина дуо рад қиладир. Умрни фақатгина яхшилик зиёда қиладир», дедилар».

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аллоҳдан Унинг фазлини сўранг. Албатта, Аллоҳ азза ва жалла
Ундан сўралишини хуш кўрадир. Энг афзал ибодат кушойишни
кутишдир», дедилар».**

Ушбу саккизтани Термизий ривоят қилган.

Кушойиш – нажот, енгиллик, мусибатнинг ариши.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди